

ISSN: 2181-9416



# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА \* LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA

НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ  
БИБЛИОТЕКА  
LIBRARY.RU

ISSN 2181-9416  
Doi Journal 10.26739/2181-9416

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

6 СОН, 2 ЖИЛД

## ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 6, ВЫПУСК 2

## LAWYER HERALD

VOLUME 6, ISSUE 2



TOSHKENT-2022

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ.  
ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

**1. ОЧИЛОВ Ўткир Сайфуллоевич**

ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИНГ ЎРНИ . 8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ.  
МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

**2. НАРИМАНОВ Бекзод Абдувалиевич**

НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИГА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛИШ ҲУҚУҚИНИ  
БЕРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАР ..... 13

**3. МУРОДУЛЛАЕВА Гулинур Хикматулло қизи**

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 19

**4. АДILКАРИЕВА Феруза**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ  
ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ ..... 26

**5. РАХМОНОВ Зафаржон Зайниддинович**

КОРРУПЦИЯ ВА МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИНИ  
БЕКОР ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИ..... 31

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ.  
ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

**6. САЙДИВАЛИЕВА Хуршида Ходжиакбаровна**

ОИЛАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАРТНОМА ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ  
ТАРТИБГА СОЛИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА ..... 36

**7. ДЖУМАНОВ Аскар Хасанович**

ПРАВОВАЯ ПРИРОДА ХОЗЯЙСТВЕННОГО ТОВАРИЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ ..... 42

**8. ИЛХОМБЕКОВ Жасурбек Илхомбек ўғли**

АХБОРОТ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ, ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ..... 49

МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ

**9. MURODULLAYEV Dostonjon Nigmatullo o'g'li**

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИНИНГ ТАРАФЛАР ИХТИЙОРИГА БОГ'ЛИҚ ВО'ЛМАГАН HOLATLAR  
ВО'ЙИЧА БЕКОР ҚИЛИНИШИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ..... 54

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

**10. ЮНУСОВ Ҳайдарали**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СИЁСАТИ:  
МУВОЗАНАТЛАР ГИРДОБИ ЁКИ ДОР УСТИДАГИ ДОРБОЗ ..... 61

**11. МАХАМАТОВ Махмуд**

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДОИРАСИДА МИГРАЦИЯНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ  
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ..... 69

**12. РАСУЛОВ Журабек Абдусамиевич**

МЕҲНАТ СОҲАСИДА БИРЛАШИШ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПИГА ОИД ХАЛҚАРО  
СТАНДАРТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ..... 74

**13. РАШИДОВА Комила Искандаровна**

ЮРИДИЧЕСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СОВРЕМЕННЫХ ФОРМ РАБСТВА КАК  
МЕЖДУНАРОДНОЕ ПРАВОНАРУШЕНИЕ ..... 81

<b>14. ТУРСУНОВ Ойбек Батырович</b> ХАЛҚАРО МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ .....	87
<b>15. ЕСЕМУРАТОВ Алишер Избасарович</b> МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ РЕГУЛИРОВАНИЯ ТРУДОВОЙ МИГРАЦИИ ....	91
<b>16. ГАНИБАЕВА Шахноза Каримбердиевна</b> ОБЕСПЕЧЕНИЕ НАИЛУЧШИХ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА КАК ГАРАНТИЯ РЕЛИЗАЦИИ ПРАВ РЕБЕНКА: АНАЛИЗ МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫХ ДОГОВОРОВ.....	96

**ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

<b>17. ФАЙЗИЕВ Хайриддин Сирожиддинович</b> ЮРИДИК ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА ҲУҚУҚИЙ ИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ .....	102
<b>18. ШАЯХМЕТОВА Айым Галымбековна</b> ЗАЩИТА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ КАЗАХСТАН И РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРИНЦИПЫ СУДОПРОИЗВОДСТВА АДМИНИСТРАТИВНОЙ ЮСТИЦИИ .....	107
<b>19. ЮЛДАШЕВА Говхержан</b> САМАРКАНДСКИЙ ГЛОБАЛЬНЫЙ ФОРУМ ПО ОБРАЗОВАНИЮ В ОБЛАСТИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПОДГОТОВКИ КАДРОВ В СФЕРЕ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН .....	112

# ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

**АДИЛКАРИЕВА Феруза**

Тошкент шаҳар Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИ ВАКОЛАТЛАРИНИНГ ТАКОМИЛЛАШУВ ДИНАМИКАСИ

**For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):** АДИЛКАРИЕВА Ф. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ваколатларининг такомиллашув динамикаси // Юрист ахборотномаси – Вестник юриста – Lawyer herald. № 6 (2022) Б. 26-30.



6 (2022) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2022-6-4>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи бўлган суд ҳокимияти, шу жумладан, республика Конституциявий суд ҳокимиятининг юридик табиати, конституциявий одил судловнинг тушунчаси, моҳияти ҳамда хусусиятлари илмий таҳлил этилган. Айниқса, сўнги йиллардаги конституциявий ислохотлар мобайнида Конституциявий суднинг ваколатлари такомиллаштирилиши тенденцияси (динамикаси) кўриб чиқилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** Конституциявий суд, конституциявий одил судлов, конституциявий ислохотлар, конституциявий қонун, Конституциявий суд ваколатлари, Конституциявий судни фаоллаштириш.

**АДИЛКАРИЕВА Феруза**

Помощник прокурора Сергелийского района

## ДИНАМИКА СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПОЛНОМОЧИЙ КОНСТИТУЦИОННОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

### АННОТАЦИЯ

В статье научному анализу подвергаются юридическая природа конституционной судебной власти в качестве отдельной ветви судебной власти и как самостоятельный институт государственной власти; раскрываются понятие, сущность и особенности конституционного правосудия. Особое внимание уделено тенденциям (динамике) совершенствования в ходе конституционных реформ полномочий Конституционного суда, а также вносятся соответствующие предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** Конституционный суд, Конституционное правосудие, конституционная реформа, конституционный закон, полномочия Конституционного суда, активизация Конституционного суда.

**ADILKARIYEVA Feruza**

Assistant prosecutor of the Sergeli District Prosecutor's Office

## DYNAMICS OF IMPROVING THE POWERS OF THE CONSTITUTIONAL COURT REPUBLIC UZBEKISTAN

**ANNOTATION**

In the article, the legal nature of the constitutional judiciary as a separate branch of the judiciary as an independent institution of state power is subjected to scientific analysis; the concept, essence and features of constitutional justice are revealed. Particular attention is paid to the trends (dynamics) of improvement in the course of constitutional reforms of the powers of the Constitutional Court, and relevant proposals and recommendations are made.

**Keywords:** Constitutional Court, Constitutional justice, constitutional reform, constitutional law, powers of the Constitutional Court, activation of the Constitutional Court.

Мамлакатимиз Конституциясида ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг мустақамланиши, суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи сифатида белгиланиши унинг ижтимоий муносабатларга функционал таъсири доирасини анча кенгайтди. Аввало, суд ҳокимияти халқ ҳокимиятчилиги намоён бўлиш жиҳатларидан бири сифатида, иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида майдонга чиқди. Бироқ, ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётида шу чоққача конституциявий назоратнинг пухта ифодаланган методологияси, ҳуқуқий асослари ва назоратни ташкил этиш ҳамда амалга ошириш принциплари ўз таҳлили, муфассал талқинига эга бўлгани йўқ. Шу боис Конституциявий суднинг таъсис этилиши ва шаклланиши юридик фан ва амалиётда конституциявий одил судлов, конституциявий қонунчилик (шунингдек қонунийлик), конституциявий назорат муаммолари долзарб аҳамият ва салмоқ касб этмоқда.

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига ҳам тааллуқлидир. Чунки, Конституциявий суд Асосий қонуннинг давлат ҳокимияти органлари томонидан бузилишининг олдини олиш юзасидан конституциявий назоратини амалга оширувчи одил суд органи ҳисобланади.

Конституциявий назорат мавзусида алоҳида тадқиқот олиб борган олим А.Б.Ғафуровнинг таъкидлашича, “Конституциявий одил судлов органлари томонидан назоратни амалга оширишда қонун ҳужжатлари ўртасидаги иерархияга риоя қилиш таъминланади. Умуман олганда, конституциявий назоратни махсус суд органларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш бўйича фаолияти деб баҳолаш мумкин [1, Б.13].

Конституциявий назоратни конституциявий судлов органининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини Конституция нормалари ва принципларига мувофиқлигини текшириш ҳамда шу йўл билан конституциянинг устуворлигини, мамлакатда конституциявий қонунийликни таъминлаш ҳамда инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга қаратилган фаолият, деб белгилаш мумкин [1, Б.15]. Фикримизча, Конституциявий суднинг ваколатлари доирасига фақат конституциявий-ҳуқуқий мазмундаги масалалар кириди.

Маълумки, “Конституциявий судлов” суд ҳокимиятининг алоҳида ваколатли органи томонидан махсус ўрнатилган судлов процедураси (тартиби) асосида амалга ошириладиган фаолият бўлиб, у Конституциянинг устуворлигини таъминлашга йўналтирилган якуний қатъий мажбурий тарздаги ҳал қилув қарорини қабул қилиш ваколатига эга. Конституциявий судлов одил судловнинг алоҳида тури бўлиб, конституциявий суднинг қонунда белгиланган процессуал тартибда амалга оширадиган фаолиятидир. Бу ўз моҳиятига кўра, конституциявий мазмунга эга бўлган низоларни махсус суд процедураси (тартиби) асосида кўриб чиқилиши ҳисобланади. Конституциявий судлов конституциянинг устунлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган судлов жараёнининг умумлаштирилган ифодаси, дейилса тўғри бўлади [2].

Конституциявий одил судлов ҳозирги замон воқелигида демократиянинг халқаро миқёсда эътироф этилган муҳим стандартларидан биридир. Конституциявий одил судлов (конституциявий юстиция) мамлакат ҳудудида суд ҳокимиятини намоён этувчи махсус ваколатли орган томонидан барча қонунларнинг ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган судлов фаолиятидир. Шунингдек, конституциявий одил судлов суд ҳокимиятининг давлат органлари, шу жумладан парламентнинг Конституцияга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ конституциявий-ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқишга йўналтирилган фаолияти бўлиб, унинг натижасида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарувчи қарорлар қабул қилинади [3]. Конституциявий одил судлов органи муайян қонунни конституцияга мос эмас деб топиб уни ҳаракатдан

тўхтатса, бу амалда мазкур қонуннинг бекор қилинганини англатади. Конституцияга мос бўлмаган қонуннинг ҳаракатдан тўхтатилиши масаласида парламент ёки бошқа ваколатли органнинг қўшимча қарори талаб этилмайди.

Конституциявий одил судлов икки жиҳатнинг синтези, узвийлиги ифодасидир. *Биринчиси* – конституциявий назоратнинг моҳияти; *иккинчиси* – одил судловнинг алоҳида шакли. Бу икки жиҳатнинг қўшилиши давлат-ҳокимият тусидаги назорат фаолиятининг мустақил махсус турини, яъни конституциявий одил судлов турини келтириб чиқаради [4].

Замонавий маънодаги конституциявий одил судлов норматив – ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини текшириш билан чекланмайди, балки Конституциянинг устунлигини таъминлаш, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя этиш, ҳокимиятлар тақсимланиши принципини ҳимоялашга сафарбар этилган фаолият бўлиб, конституциявий назоратнинг шаклларида бири сифатида Конституциявий суд томонидан амалга оширилади [5].

Шундай қилиб, конституциявий одил судлов умумий одил судловнинг барча хусусиятларини ўзида ифодаловчи тури бўлиб, қонунлар ва қонун ости ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини белгиланган процессуал шакл асосида кўриб, якуний суд қарорини қабул қилишга қаратилган олий даражадаги судлов фаолиятидир.

Мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар жараёнида Конституциявий суднинг ваколатларини кенгайтириш динамикаси кузатилмоқда. Ушбу тенденция Конституциявий суд фаолиятини фаоллаштириш нуқтаи назаридан муҳимдир.

Буни куйидаги қиёсий таҳлил яққол кўрсатади.

Хусусан, Конституциявий суднинг ваколатлари Конституциянинг 2017 йилга қадар бўлган 109-моддаси таҳририда 4 тани ташкил этган бўлса:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суднинг қарорлари матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий ва улар устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Конституциявий суд конституциявий судлов ишларини юритаётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатларига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари; Ўзбекистон Республикаси Президенти; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман); Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи; Ўзбекистон Республикаси Олий суди; Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори; Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳуқуқига эга. Конституциявий суднинг камида уч нафар судьяси ташаббуси билан ҳам Конституциявий судда кўриб чиқиш учун масала киритилиши мумкин.

Конституциявий суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири иштирок этиши мумкин. Улар кўриб чиқиладиган барча масалалар юзасидан ўз фикрларини баён этишга ҳақлидир.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга оширишда унинг давлат ҳокимиятининг ўзга тармоқларидан мустақиллиги жиддий аҳамият касб этади. Маълумки, Асосий қонунимизнинг 112-моддасига кўра, Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашинишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, мустақиллик принципи “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунинг 22-моддасига мувофиқ Конституциявий суднинг давлат ҳокимияти органи сифатидаги мустақиллиги (институционал мустақиллик) ҳамда Конституциявий суд судьясининг мустақиллигини назарда тутди. Ушбу нормага кўра, Конституциявий суд ва унинг судьялари ўз фаолиятида мустақил бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига бўйсунди.

Мазкур норма суд ишларини кўриш ва қарор қабул қилишда Конституциявий суд судьясидан ўзининг ҳуқуқий нуқтаи назарини амалий мақсадга мувофиқлик мулоҳазаларидан, сиёсий мойилликлар ва бошқа ташқи таъсирлардан холи бўлган ҳолда ифодалашини талаб қилади.

Ушбу принципни кафолатловчи норма сифатида давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан Конституциявий суднинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашиниш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши тўғрисидаги нормани келтириш мумкин [1, Б.75-76].

2017 йил 31 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунда ҳамда 2021 йил 27 апрелдаги “Конституциявий суд тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, эса Конституциявий суднинг ваколатлари 7 та этиб белгиланди:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномаларининг ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди;

2. Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунга қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга, Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг нормаларига шарҳ беради;

5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган мурожаатини кўриб чиқади;

6. Конституциявий суд ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятларини ҳам кўриб чиқади.

7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколат доирасида бошқа ишларни ҳам кўриб чиқади.

Конституциявий суд ўз ваколатларини амалга ошираётганда бошқа судларнинг ёки ўзга органларнинг ваколатига кирадиган барча ҳолларда ҳақиқий ҳолатларни аниқлаш ва текширишдан ўзини тияди.

Юқоридаги 2, 5, 6-бандлардаги нормалар янги киритилган конституциявий қоидалардир.

Ушбу нормаларга эътибор бериб қаралса, фақатгина 6-банддаги норма Конституциявий судга мажбурият юқловчи ҳамда ҳокимиятлар тақсимланиши принципига мос бўлмаган қоида бўлиб, қолган бандлар Конституциявий суднинг ваколатлари сифатида талқин қилиниши мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан илгари сурилаётган 2022 йилдаги Конституциявий қонун



лойиҳасида Конституциянинг 109-моддасида 6-бандида мавжуд бўлган **“конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан”** деган сўзлар чиқариб ташланиши белгиланган. (Ушбу қоида 2017 йил 31 майдаги Конституциявий қонун билан жорий этилган эди) Бу норманинг Асосий қонунда сақланиб қолиши амалда Конституциявий суднинг Парламент ва Президент олдидаги ҳисобдорлигини англатади. Бу эса ҳокимиятлар тақсимланиши принципига мос эмас. Шу боис ушбу қоида чиқариб ташланишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

Энди Конституциявий суд ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этиши ҳақидаги норма Асосий қонунда мустаҳкамланиши назарда тутилмоқда.

Биз томонимиздан илгари сурилаётган мазкур норма Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида амалга киритилиши суд ҳокимияти хусусан, Конституциявий суднинг мустақиллигини, қолаверса, ҳокимиятлар тақсимланиши принципларига мувофиқ фаолият юритишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, амалга оширилаётган туб конституциявий ислохотлар жараёнида Конституциявий суд ваколатлари замон талаблари ва эҳтиёжларига мос тарзда такомиллашувини таъминлайди.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

1. Гофуров А. Ўзбекистонда конституциявий назорат: тарихий ривожланиш тенденцияари. –Т., Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази.
2. Авакьян С.А. Проблемы теории и практики конституционного контроля и правосудия. // Вестник МГУ, сер.11, “Право”, 1995.
3. Большой юридический словарь. /Под ред. А.Я.Суҳарева и др.-М., 2002, с. 353.
4. Общая теория государства и права. Академический курс. Под. ред. Проф. М.Н.Марченко. Том 2. Теория права. -М., 1998, с.521.
5. Российская юридическая энциклопедия. /Глав. ред. А.Я.Суҳарева. –М., 1999.